# ИНСОНИЯТ ФАХР ЭТГУВЧИ ЗОТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Хўш, Абдуллоҳ ибн Муборак ким? Фаридиддин Atторнинг «Тазкиратул Авлиё» китобларида таъкидланишича, Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларини шаҳаншоҳи уламо дер эрдилар. Илм ва шижоат, ҳунар ва саховатда назири йўқ эрди. Таснифлари (яъни ёзган китоблари) кўпдир.

Демак, Абдуллоҳ ибн Муборак ўз замонасида барча олимларнинг устоди, илму ҳунар, саховату кароматда тенги йўқ авлиё-аллома бўлганлар.

Суфиёни Сурий, Фузайл Аёздай валийлар эътироф этиб: «Бутун Ғарбу Шарқнинг марди, валийси, келгил!» деб турган бўлсалар, Абдуллоҳ ибн Муборак даражалари, мартаба, мақомлари нақадар олий эканлигини билса бўлур.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Абдуллоҳ ибн Муборак Имом Бухорийнинг оталари Имом Исмоилнинг устодлари, пирлари бўлган. Абдуллоҳ ибн Муборак муҳаддис ҳисобланади. Ул зотнинг қуйидаги ҳикматлари ибратлидир: «Ҳар кимда адаб йўқдур, суннатдан маҳрум бўлур, ҳар кимки суннатни тутмаса, фарзлардан маҳрум бўлур. Ҳар кимки фарзларни бажармаса, маърифатдан маҳрум бўлур. Ҳар кимки маърифатдан маҳрум бўлса, тавҳиддан маҳрум бўлур...»

Кўриниб турибдики, тавҳиду маърифат, фарзу суннатнинг боши ОДОБ экан. ОДОБ бўлмаса, суннату фарз, маърифату тавҳиддан жудо бўлиш тайин. Аллоҳ билан банда, банда билан инсоният, инсоният билан табиат, бутун коинот орасидаги ОДОБ бу ерда назарда тутилмоқда.

Имом Бухорий «Ал-адаб ал-Муфрад»да мана шу амалларнинг асоси ОДОБга урғу берган. Зеро, Жалолиддин Румий ҳазратлари таъкидлайдиларки: «Ҳайвон билан одам орасидаги фарқ одобдир». Кимки беадаб бўлса, у ҳайвон ҳисобланади. Хўш, одобни, кимдан ўрганса бўлади?

***Чашм бикушой, бубин Каломуллоҳро***

***Оят омад аз Худо маънии Қуръон адаб аст***
***(Румий).***

Мазмуни: Кўзни оч, Каломуллоҳ (Қуръони Карим)га қара, Аллоҳ таолодан «Қуръоннинг маъниси одобдур!» деган оят келди.

Маълум бўлаяптики, оятлар маъниси панду насиҳат, одоб экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо салоллоҳу алайҳи васаллам эса хуш ахлоқ, одобда бутун бани башарга намуна.

Ҳазрат Имом Бухорийнинг ўзлари ҳам Қуръоний одоб-ахлоқ эгаси бўлган. Зеро, ул зот пайғамбар пайравлари, издошлари эди.

Имом Бухорийнинг тарих олдидаги хизматлари шу қадар улканки, биз XX аср кишилари уни тасаввур қилишимиз қийин.

600 минг ҳадисни жамлаб, 300 минг ҳадисни ёдлаб, шаҳарма шаҳар, гоҳ пиёда, гоҳ уловда кезиб, шунча ҳадислар ичидан 7275 ҳадисни саҳиҳ, эканлигини исбот қилиш – буюк жасорат, улкан ақлу истеъдод. Имом Бухорий мана шундай буюк тарихий вазифани бажарганлар.

Имом Бухорий ислом динининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган ва қиёматгача мусулмонларни адашувлардан асрай олган зот ҳисобланадилар.

«Дин – панду насиҳатдан иборатдур!» – деганлар пайғамбар алайҳиссалом. «... Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Дарҳақиқат, тўғри! Лекин динни булғасалар-чи? Динни сиёсатга айлантирмоқчи бўлсалар-чи? Унда одамлардаги ишонч ҳисси сусаяди, унақа «диндор»дан одамлар безор. Унақа «диндор» қалбларни поклаб юксалтириш ўрнига, қалбларни булғаб, одамни тубанлаштиради. Ҳаётда минглаб муаммо, қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўяди. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни ер билан яксон қилади. Лекин бунга дин айбдор эмас, балки калтафаҳм, таъмагир «диндор» айбдор.

Имом Бухорий ҳазратлари мана шундай «диндор»ларнинг фаолиятига қаттиқ зарба бердилар. Аниқроқ қилиб айтганда, динни пок этдилар.

Буюк шарқ мутафаккирлари Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Маҳтумқули, шунингдек, улуғ Ғарб алломаси Гётеларнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» таъсирида ижод қилгани, асарлар ёзгани бугунги кунда сир эмас.

***Улуғ қалбли, донишманд ул Анварий:***

***Шундай демиш донишмандлар сарвари***
***Яшаб олгай ҳар жойда, ҳар вақтда соз***
***Кимки ростгўй, оқилу муросасоз.***

***Ёхуд:***

***Тақдир имтиҳон этса, гунг бўл одамзод,***
***Фойда бермас айласанг минг доду фарёд!***

Ушбу мисралар юқоридаги фикримизга далилдур.

Имом Бухорийнинг бу қутлуғ саналарини муносиб кутиб олиш учун Бухоройи шарифда ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Имом Бухорий қадамжо-зиёратгоҳларининг бунёд этилаётгани, вилоятда «Имом ал Бухорий» жамғармасини ташкил этилгани айни муддаодир. Илмий конференция, суҳбат, учрашувлар ўтказиляпти. Лекин бу тадбир, ишлар дарёдан томчи. Улуғ бобокалонимиз олдида биз қарздормиз. «Имом Бухорий юрган йўлларда» халқаро илмий-амалий экспедициясини ташкил этиш, шунингдек, улуғ муҳаддис ҳақида фильм яратиш, «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ»ни нақшбандия тариқатига таъсири мавзуида илмий тадқиқотлар этиш, буюк бобокалонимиз фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ қилиш ва халққа етказиш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Садриддин Салим БУХОРИЙ.**

## «ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

# ТАҲЛИЛ АДОЛАТЛИ БЎЛСИН

Республикамиз раҳбарияти қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга ошириш, замон руҳига мос мулкчилик муносабатларини шакллантириш, деҳқоннинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш борасида жонбозлик кўрсатаётир. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган қонунлар шулар жумласидандир.

Афсуски, шундай шароитда ҳам жойларда эскича фикрлаш кайфиятидан қутилмаган раҳбарлар учраб турибди. Улар деҳқон-фермер хўжаликлари ишини қўллаб-қувватлаш ўрнига турли важ-корсонлар билан ишимизга тўғаноқ бўлишга интилмоқдалар.

Буниси етмаганидек эскича фикрловчи раҳбарлар деҳқон-фермер хўжаликларини ҳамда хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига одилона муносабатда бўлмай, баъзи камчиликларни бўрттириб, муаммолар сабабини аниқламай юзаки хулосалар чиқариб, туман ҳокимларига асоссиз таклифлар киритмоқдалар. Жумладан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси орқали Булунғур туман ҳокими номига ёзилган тақдимномани қандай тушуниш мумкин? Унда тумандаги 10-15 та мустақил деҳқон хўжаликларидан бошқа ҳамма, яъни 234 та деҳқон хўжаликлари фаолиятини бир йўла тўхтатиб қўйишни сўраб таклиф киритилган. Албатта, амалда фаолият кўрсата олмаётган, ерга эгалик ҳиссини сезиб ишламаётган кимсалардан ерни қайтариб олиб, улар фаолиятини тўхтатиб қўйиш зарур ва шарт. Барчага бирдай баҳо бермасдан ҳар бир деҳқон хўжалиги иши алоҳида таҳлил этилса бўлмайдими? Шундай қилинса адолатдан бўлур эди. Масалан, «Машъал» деҳқон хўжаликлари уюшмасига кирган 19 та хўжаликнинг иши таҳлил қилиниб, 11 таси фаолият кўрсата олмаганлиги учун туман ҳокимиятининг қарори билан тугатилди. Яхши иқтисодий натижаларга эришганликлари учун бизнинг 8 та хўжалигимиз қолдирилганди. Аммо, юқорида айтилганидек, вилоят адлия бошқармаси ходими эндиликда бу хўжаликлар фаолиятини ҳам тўхтатиш ҳақида таклиф киритибди.

«Халқ сўзи»дан адолатли ҳукм чиқишида ёрдам беришини илтимос қиламиз.

**О. МИРЗАЕВ,**
***«Машъал» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси;***
**О. ХОРИНОВ,**
***«Жўрабек» деҳқон хўжалиги раиси;***
**Ж. БОЛТАЕВ,**
***«Жамшид» деҳқон хўжалиги раиси;***
**А. ЎТАЕВ,**
***«Фарҳод» деҳқон хўжалиги раиси*** *(хатга ҳаммаси бўлиб 8 та деҳқон хўжалиги раиси имзо чеккан).*

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

***Фарғона водийсида меҳнат қилаётган, изланаётган тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бамаслаҳат иш юритиши яхши анъанага айланиб бормоқда.***

***Яқинда Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларининг бир гуруҳ тадбиркорлари Фарғонада ўтказилган бизнес-семинарда иштирок этдилар. Унда асосий эътибор хориж мамлакатлари билан замонавий ускуналар, янги технологиялар, бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар етказиб бериш масалаларига қаратилди.***

***Анжуманда Германиянинг Шарқий ва Марказий Европа Иттифоқи ишлари бошқарувчиси, доктор У. Дитц бошлиқ хорижий ишбилармонлар ҳам иштирок этиб, бир қатор фирмалар, банклар Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканликларини билдирдилар.***

# ТУҲФА



***Гулистон шаҳри кун сайин чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Айниқса, бир-биридан шинам турар-жой биноларини айтмайсизми?..***

***«Сирдарёжамхўжқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этаётган бу уйлар барчага манзур бўлаётир. Бунёдкорлар яқинда шаҳар марказида 40 хонадонга мўлжалланган турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар. Оила йилида 40 хонадон соҳиблари уй тўйи қиладиган бўлишди.***

***Сураткаш мухбиримиз ТОҲИРЖОН ҲАМРОҚУЛОВ олган ушбу суратларда «Сирдарёжамхўжқурилиш» қўли гул бунёдкорларининг саъй-ҳаракати билан қурилган турар-жой биноси ва пардозловчи Расулжон Шокиров акс эттирилган.***

# ФИКРЛИ ХАЛҚ ЙЎЛИ – ҲАҚ

Сабоқ

ЎзТВда яхши кўрсатув берилаяпти. Президент Ислом Каримов юртнинг етук олимлари, тарихчилар, шоир-ёзувчилар, журналистлар ҳамда зиёлиларни йиғиб халқ тарихи, мафкурамиз ҳақида очиқ-ойдин гаплашаяптилар.

Бу салмоқли, залворли фикр, айниқса, халқнинг келажаги, тақдирини ўртага қўйиб айтилган гаплар, вазифалар мени бироз саросимага солиб қўйди. Бўлар экан-ку, дейман... Мафкурамиз теранлиги учун, одамларнинг маънавий баркамоллиги, миллатнинг яхлитлиги учун миллионлаб кишилар ҳузурида очиқ, аммо аччиқ ҳақиқатни айтиш даври келибдику, дейман. Энди, нақд гап ўрнига ҳаволардан сўз ясаб мақола ёзувчилар, сўзи каби ўткинчи кўрсатув тайёрлаб, халқ олдида майнавозчилик қилувчи айрим «лутф»бозларнинг кўзлари чароқлаб очилиши керак, деган хаёлга бораман. Худога шукур, шундай довюрак ва шижоатли, дунёқараши кенг, ҳар соҳани ипидан игнасигача биладиган донишманд йўлбошчи ва унинг атрофидаги уйғоқ инсонлар бор экан, қадримиз юксалиши муқаррар, деган ўйдан таскин туяман. Излаган ҳақиқатим, топинган манзилимни кўраман.

Халқимизнинг буюклигига шоҳидлик берувчи қўлёзмалар ҳақида, уларнинг жудаям кўплиги, ўрганиш бобида эса ҳали ҳам оқсаётганимиз, қимматбаҳо манбаларнинг анчагина қисми чанг босиб ётгани, халқнинг қадим буюклигини кўрсатиш учун улардан баҳраманд бўлиш пайти келганини, юртбошимиз керак бўлса шу заминда яшаб ўтган алломаларимиз асарлари, тарихий ҳақиқат чироғи саналган қўлёзмалар чет элларда ҳам тарқалиб кетганлигини айтаяптилар. Улар музейларда, институт ва кутубхоналарда сақланаяпти. Шуларни-да бориб ўрганиш керак, деган фикрдан ботиним янада ёришади.

Халқимиз тарихини тўғри кўрсатиш, ҳақиқатнинг қум кўмган қароғига зиё нурини бахшида этиш, ўтмишнинг тўзонларидан уларни авайлаб олиб чиқиш, ўтмишга ростгўйлик билан муносабатда бўлиб, жаҳон маданий цивилизациясидан бугунги кунда ажралиб қолмаслик, ортиқча эҳтирослар жиловини тутиб, босиқ ва вазмин муносабатга киришиш ҳақидаги мулоҳазалар эса ҳозирги авлоднинг тарбиясида бош ўзак бўлиб қолиши зарурлигини англайман.

Президент миллат маънавияти бобида ўзининг аниқ позициясини намоён этаяпти. Мен гўёки юксак савиядаги асар ўқиётгандай ТВга михланаман. Нақадар кескир, тутам ва тўхтамга эга фикрлар... Руҳим кўтарилиб, кўнглим тўлади. Анчадан бери излаётганим, соғиниб қолганим, боламдай азиз, фақат шу маҳалгача юрагимнинг тубида сақланиб келган хоҳиширодам, қарашларим йўли очилганидан тўлқинланаман. Бўларкан-ку, халқ бўлиб собит қолмоқликнинг, ягона куч ва мукаммал мафкура билан юзма-юз келишнинг нурли чоғларини кўриш насиб қиларкан-ку! Боламнинг руҳига, ўйларимга, саодатли яшашимга асос, озиқ, ақлига маёқ бўлади, бу мафкура! Демак, мен йитиб кетмайман. Бир халқнинг, азим бир дарёнинг ўзанини софлайди, бу мафкура. Тафаккуримиз бўлаклари (қоронғуликлари) ёришади, энди.

Юртбоши тафаккур ҳақида тўхталаяптилар. **Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас,** деяпти у киши.

Тафаккур йўлидан тойиш, адашиш йўқликдир, бўшликдир, муаллақликдир. Муаллақ одамнинг илдизи қаерда бўлади? Илдиз нима қилсин, муаллақ одамда. У ҳаволарда пуфакдай учади, сув сатҳида ҳубобдай сузади. Шундай бўлгач, фикрлаш, ўйлаш имконидан мосуво бўлади. Ким нима деса эргашиб кетаверишга маҳкум бўлиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмаймиз. Сезгилар ўлади, руҳ ўлади, англаш туйғуларини қурум босади. Бухавф. Бундан ўзга хатар йўқ. Ҳа, шундай хавотирликни тушуниб олиш мумкин ЎзТВдаги мунозарадан. Давра иштирокчилари ҳам ўз фикрларини баён этишмоқда. Давлат раҳбари бошчилигида маънавий соҳадаги муаммоларга ойдинлик киритилаяпти. Уларга ечим изланаяпти. Бу борада барча эзгу ишларга тамал тоши қўйилди.

Буюк истиқлол, халқ озодлиги учун жонини фидо қилган, ўлимга-да қарши борган Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Абдулла Қодирийлар... тилга олинмоқда. Орномус, ғурур, шаън ва қадр-қиммат тушунчалари тилга кўчаяпти.

Фикрлар хилма-хил бўлсин. Телевидениеми, газета-журналларми, майли, турли хил фикрлар бериб борилсин... Уларнинг қай бирини олиб, ўзига тегишлисидан хулоса чиқариш одамларнинг ўзига ҳавола, деган эркинлик нафаси уфурган гаплар билан Йўлбошчимиз матбуотнинг ҳақ сўз майдонига айланишига даъват этаяптилар. Мен ўзимча фикр қиламан: қанийди, шу очиқ-ойдин мулоқотни вилоятлардаги маориф аҳли, ўқитувчилар, мураббий ва тарбиячилар тасмага тўлиқ ёзиб олишса... Ўқувчиларга, фарзандларимизга тарих, адабиёт дарсларида, тарбиявий соатларда қўйиб беришса... Бу мулоҳазаларнинг асл моҳияти билан келажак авлодни ошно этишса.

Асл Она-гап айтилди. Юртбоши шундай деяптилар. – **Ҳамма нарса ўткинчидир, халқ қолади.**

Кўрсатув сўнггида Миллат, Ватан, Мафкура, Маънавият, Тафаккур, Тарих, Келажак авлод тушунчалари ҳақида энг улуғ шарҳни, тафсифни шу деб ўйладим – **Ҳамма нарса ўткинчидир, халқ қолади.** Мана биз ахтарган гап. Мана биз излаган ҳақиқат.

**Кўчкор НОРҚОБИЛ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ЧЎЛГА СУВ КЕЛДИ

Навоий вилояти Нурота туманидаги "Нурота" жамоа хўжалиги аҳолисининг эзгу орзуси ушалди. Хўжалик қишлоқларига тоза ичимлик сув келтирилди. Бу ердаги "Об-ҳаёт ЛТД" фирмаси жамоасининг саъй-ҳаракати билан беш километр сув қувури тортилди. Барча харажатларни Навоий вилоят "Қоракўлсаноат" уюшмаси ўз зиммасига олган.

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Конимех туманида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётир. Жумладан, куни-кеча Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифохонада оналар ва болалар, шунингдек, жарроҳлик, асаб, кўз касалликлари ва бошқа даволаш бўлимлари мавжуд.

**Ёркул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ФИРИБГАР

– Филдай гавда-ю, туядай бўй билан қарз сўраганингиз нимаси? Муллажирнинг дегани ўзидан-ўзи оқиб келавермайди. Бордию каллададан натижа чиқмаса, тилни ишга солинг. Дўппи айлангунча мол-дунёнинг тагида қолмасангиз, мана, мен кафил – кўкрагига муштлади Турсунбой.

– Тушунмадим, - лабини буриб, елкасини қисди қарз сўрагувчи.

– Соддалик ҳам эви билан-да, биродар. Биласиз, қиморвоз шашқолини тақиллатиб, фирибгар лақмаларни лақиллатиб пулини олади. Бир хил мансабдор қўл остидагиларга бақириб, яна бир хили омбор мудирини чақириб чўнтагини қоқади. Деҳқон томорқасидан, савдогар сармоясидан, муаллим қўлидаги бўр билан, ошпаз ўчоқдаги кўр билан тирикчилигини ўтказади.

– Агар сир бўлмаса ўзингиз...

– Бизми? – лабини суҳбатдошининг қулоғига теккизгудек бўлиб шивирлади Турсунбой, – хожатбарормиз. Тадбиркору ишбилармонлардан маслаҳатимизни аямаймиз. Борди-ю, уларнинг ишлари юришмай, депсиниб қолганидан хабар топгудай бўлсак, дарров жонига аро кирамиз. Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғида «Очил-ота» кичик корхонаси бор, эшитганмисиз?

– Биз кичик одаммиз, ака, - хижолатомуз бўлиб қизаринди бояги соддадил. – Қаерда қайси корхона-ю фирмалар борлигини сиздай катталар билади-да, бизга йўл бўлсин.

– Яшанг, бизбоп одам экансиз. Сизниям қўллаганим бўлсин. Бир умр эслаб юрасиз, - кафтларини бирбирига ишқалади Турсунбой. – Шу десангиз «Очил-ота»ни бир қўллагимиз кеп қолди. Унинг бошлиғи Ғанижон Очиловга учрадик. «Пахта банки»нинг Чинобод бўлимидан 7 миллион 520 минг сўм кредит олсангиз ишингиз ўз-ўзидан юришиб кетади, деб йўл кўрсатдик.

– Ғанижон нима дейди?

– Касалнинг тузалгиси келса табибнинг ўзи оёғи билан кириб келаркан деганича бизни қучоқлаб олса бўладими.

– Кейин нима бўлди?

– Қайси марди – майдон шунча пулни олиш учун «кафолат хати» беради, деганича ер чизиб қолди. Мана, биз бормиз, сиз айтган ўша хатни қўлингизни совуқ сувга теккизмай келтириб берамиз дедим.

Ўғилбола битта гапиради. Суғурта компаниясидан «кафолат хати» олиб Ғанижоннинг қўлига тутқаздим. Ана энди банкдан етти ярим миллионни қуртдай санаб олиб, хоҳлаган ташкилотдан бозори чаққон молларни харид қилишингиз мумкин, дедим.

– Боши осмонга етгандур бояқишнинг?

– Нимасини айтасиз. Унинг хурсанд бўлганини кўриб ке, савобини яримта қилмай дедим. Ҳали харид қилмаган 7,5 миллион сўмлик моддий товар бойликларини кўтарасига ўзим сотиб олмоқчи бўлдим. Фойдаси ўзингизга сийлов, яхшилигимни бир умр унутмассиз деган эдим, рози бўлди. Олди-берди ҳақида шартнома туздик.

– Ундан кейин-чи?

Шу ўринда Турсунбой навбатдаги ўлжасини ўзининг фириб ишларига ўрай турсин-да, воқеанинг давомини биз гапириб бера қолайлик. Айтишларича, қуён туққач боласига «энди ҳар уч ойда кўринамиз», дея хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жуфтакни ростлаб қолар экан. Турсунбой Бозоров ҳам Ғанижонни лақиллатиб, катта миқдордаги товар бойликларини қўлга киритгач, уларни бозорга олиб чиқиб сотди-да, нақд пулга айлантирди. Мақсадига эришгач, қорасиниям кўрсатмай гумдон бўлди.

Қанд ўрнига қалампир чайнаб қолган Ғанижон «Турсунбойни кўрган борми?» дея маҳаллама-маҳалла, ташкилотма-ташкилот зир югуриб юрган кунлари Т. Бозоров қўшни Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидаги «Мая» корхонаси бошлиғи Роза Ле билан республикамиз тартиб-қоидаларига хилоф равишда битим тузиш билан машғул эди.

– Мен, «Очил-ота» кичик корхонаси вакилиман, - ёлғонни ямламай ютди доғули. – Мана, корхонанинг муҳри штампи босилган ҳужжатлар.

– Қўлингиздан келса пиёз уруғи топиб беринг, – ўз хизматини таклиф этди жалолободликлар.

– Қанча?

– Иложи бўлса, ўн етти тонна.

Ғанижонга билдирмай «Очил-ота» корхонаси номидан қалбаки шартнома тузилди ва айтилган миқдордаги пиёз уруғи бериб юборилди.

Иш хамирдан қил суғургандай осон кўчгани қаллобни ҳаволантирди. Бу сафар у «Халқ банки»нинг Избоскан тумани бўлимига йўл олди. Банк ходимларига ўзини «Старт» корхонаси раҳбари бўламан деб таништирди. 1.750 минг сўмлик кредит олиш ниятида эканлигини айтди. Банкдагилар кафолат хати талаб қилишди. Турсунбой чойнинг ҳовури кўтарилгунча бўлмай «Старт» корхонаси ҳамда суғурта компанияси томонидан берилган «кафолат хати»ни келтирди.

Банкдагилар Т. Бозоровнинг шахсини яхши аниқламай, «Старт» деган корхонанинг хўжалик фаолиятини обдон суриштирмай катта миқдордаги кредитни бериб юборди. Ҳолбуки «Старт» кўпдан буён бутунлай ишламаётган эди. Турсунбой юқоридаги пулни «Андижон-93» кичик корхонасига ўтказиб, 17,5 тонна калава ипи олди ва уни сотиб, нақд пулга айлантирди. Пул унинг нафс ўпқонига тушиб кетди.

Қаллобликда шайтонга дарс бергудай тажриба орттирган Турсун Бозоров Алининг дўпписини Валига кийгазишда устаси фаранг Арсен Жалилов билан топишиб қолди. Бунга қадар Арсен Ибн-Сино номли даволаш ва маслаҳат бериш марказига раҳбарлик қилар эди. У «Пахта банки»нинг Андижон туманидаги Куйганёр бўлимидан уч миллион сўм кредит олади ва турли корхоналардан харидоргир мол-матоҳлар харид қилиб, уларнинг барчасини ҳеч бир ҳужжатсиз Турсун Бозоров ҳамда «Чорвадор-1» фирмаси бошлиғи Ҳамид Мамадалиевларнинг тасарруфига ўтказади. Бу маҳсулотлар бозорда сотилиб, нақд пулга айлангач уч қаллоб ўртасида ғойиб бўлди.

Қаллобларнинг қинғир ишларини, уларнинг домига илинганлар сони, давлатга, кичик корхона ва фирмаларга етказган зиёнини бармоқ букиб санаб поёнига етиб бўлмайди. Қоронғида топишганлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзгаларнинг жуда катта миқдордаги мулкини ўзлаштириш, талон-тарож қилиш билан мунтазам машғул бўлишган. Бундан ташқари, улар туппа-тузук идораларда ишловчи масъул ходимларнинг содда ва лақмалигидан фойдаланиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган, хизмат сохтакорлиги, тартиб-қоидаларга хилоф равишда валюта олиш ва ўтказишга қўл уришган, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашган. Яна йирик миқдорда пора бериш, ўзгаларнинг муҳр ва штампларидан фойдаланиш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш каби ғайриқонуний ишларга бош-қош бўлганлар.

Бу каби ярамасликларга гулдан нозик бўлган аёлларнинг ҳам қўшилганликларига нима дейсиз. Вилоят «Хизмат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Тикувчи» ишлаб чиқариш корхонасининг бош раҳбари Зиёда Солиева давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасидан етти миллион сўмлик вексель олиб, унинг 1,6 миллион сўмлигини ҳеч қандай ҳужжатсиз турли ташкилотларга, корхона ва муассасаларга ўтказади. Эвазига мол-матоҳлар олади. Турсунбой билан биргаликда уларни сотиб, нақд пулга эга бўлади ва ўзлаштириб юборади.

Турсун ва унинг ҳамтовоғи Ҳамид Мамадалиев Қорасув шаҳридаги «Ҳалоллик» фирмаси бошлиғи Турғунбой Мирабдуллаев, шу шаҳардаги «Равшан» савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари С. Шарофиддинов ва бошқаларни ҳам айнан юқоридагидай алдайди.

– Оғзингизда қатиқ уйитганмисиз, ўйланиб қолдингиз?

Турсун Бозоровнинг қаршисида боядан бери бир нима деёлмай турган тадбиркор ниҳоят тилга кирди:

– Сизга ўхшаб филдай гавда-ю, туядай бўй билан фирибгарлик қилиб юргандан, қанчадан қанча бегуноҳ кишиларни қақшатгандан, уларнинг ҳалол насибасига чанг солгандан кўра...

– Нималар деяпсиз, – ранги-қути ўчди собиқ «Старт» корхонасининг раҳбари Турсун Бозоровнинг, – мен бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сутиниям ичмайдиган пок одамман. Иши юришмай қолганларга йўл кўрсатувчи, холис ёрдам берувчи мусичаи беозорман, ука!

***Изоҳ: Куни кеча Т. Бозоровнинг иши судда кўрилиб, у 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.***

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Матбаачилик

**Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида нашр этилаётган 12 жилдли «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» шубҳасиз, мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеадир. Унинг асосий вазифаси қарорда кўрсатиб ўтилганидек, мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётда эришган ютуқларини халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти ва қадриятларини, мамлакатимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича акс эттиришдан иборат.**

# МИЛЛИЙ ҚОМУСНИНГ БИРИНЧИ ЖИЛДИ

Ҳар бир катта ишнинг бошланиши қийин кечади. Миллий энциклопедия 1-жилди мақолаларини тайёрлашдан аввал умумий йўналишларини белгилаб олиш, шунга монанд умумий сўзлик тузиш зарур эди. Бу борада катта салоҳият билан бетиним чуқур изланилди. Услубий-ташкилий-таҳлилий масалалар бир неча бор муҳокама этилди. Қисқа вақт ичида 1-жилд материалларини оммавий равишда босишга рухсат берилди.

Биринчи жилд 140 нашриёт-ҳисоб табоғи ҳажмида бўлиб, «А» ҳарфидан «Битик» сўзигача бўлган 5200 дан ортиқ мақолани ўз ичига олади. Уни тайёрлашда 400 дан ортиқ муаллиф иштирок этди. 1-жилд учун 800 дан зиёдрангли ва оқ-қора расм, харита тайёрланди.

Миллий энциклопедия анчайин универсал бўлганлиги учун, унда умумбашарий материаллар, фан соҳаларига оид умумий тушунчалар, жаҳоншумул воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мақолалар кенг ўрин олди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, 20 та давлат ҳақида комплекс мақолалар берилган.

Ҳамма универсал энциклопедияларда бўлгани каби Миллий энциклопедиянинг 1-жилдида ҳам асосий ўринлардан бирини биографик мақолалар эгаллади. Барча замонлар ва халқларга мансуб машҳур шахслар, илм-фаннинг турли соҳаларида ном чиқарган алломалар, кашфиётчилар, техника, адабиёт ва санъат намояндалари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, юртимиз ва хорижда Ватан озодлиги йўлида курашган кишилар тўғрисида мақолалар берилади. Шахсларни танлашда ҳар бир соҳага доир мезон ишлаб чиқилган. 1-жилдда 500 га яқин шахс ҳақида маълумот берилди. Хусусан Амир Темур билан боғлиқ бир қанча туркум мақола эълон этилди. Тарихий шахслар фаолиятини ёритишда холис баҳо беришга ҳаракат қилинди, Жумладан, Алимқул, Анвар пошшо, Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли, Беҳбудий каби шахслар фаолияти тўла-тўкис баён этилди.

1-жилд мақолалари мазмунининг асосий йўналиши мамлакатимиз тарихи, адабиёти, санъати, қадриятларига қаратилди. Ана шу мавзуларда 1000 дан зиёд янги мақола тайёрланди. Булар орасида «Авеста», «Алпомиш», «Алла», «Атлас», «Аския» каби мақолалар бор. Ислом дини билан боғлиқ кўп тушунчалар атеистик руҳдан тозаланиб, нисбатан батафсилроқ ёзилди. Бу мавзуда 50 дан зиёд янги мақола бор. «Аллоҳ», «Ал асмо ал-хусно», «Ассалом алайкум», «Азон», «Аза» мақолалари шулар жумласидандир.

Миллий энциклопедиянинг 1-жилдини мустақилликнинг 7 йиллиги арафасида чиқаришни режалаштираяпмиз. Яна шуни ҳам фахр билан таъкидлашни истардик: МДҲ давлатлари ичида фақат бизнинг мамлакатдагина ана шундай мукаммал нашр таёрланмоқда. У фақат илмий-ғоявий нуқтаи назардан эмас, матбаа ижроси жиҳатидан ҳам давр талабига жавоб беради, деган умиддамиз. Маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган улкан иш — Миллий қомус нашрининг қалдирғоч 1-жилди кейингилари учун маълум даражада тажриба мактаби бўлади. Ўқувчилар фикр-мулоҳазалари асосида кейинги жилдлар нашрини такомиллаштириб борамиз.

Булардан ташқари «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида жорий йилда 3 жилдлик «Буюк ипак йўли» энциклопедиясининг 1-жилди, 1-жилдлик «Болалар энциклопедияси» ҳамда, Имом ал-Бухорийнинг таваллуд кунига атаб учта мўъжаз китобчадан иборат Сайланма ҳадисларни чоп этиш мўлжалланган.

**Даврон ШОРАҲМЕДОВ, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти бош директори ўринбосари.**



ҚАДРИЯТ

# ОБИДАЛАР СЎЗЛАСИН

Ўрта аср меъморчилигининг гўзал намунаси бўлмиш машҳур Вобкент минораси бунёд этилганига 800 йил тўлди. Минораи Калон, Жарқўрғон, Калтаминор, Исломхўжа каби мазкур меъморчилик-диний иншоотларнинг бу турида Вобкент минораси алоҳида ўрин тутмоқда. Чунки, у қомусий луғатларда таърифланишича «энг кўркам ва ихчамдир». Хўш, саккиз аср давомида ёдгорлик нималарни бошдан кечирди, ушбу соҳада қандай кашфиёт мавжуд, келажак авлод ота-боболаримиздан қолган меросни асраб-авайлаш учун нима қилмоқ лозим?

Маълумки, XII асрда Мовароуннаҳрда қорахонийлар сулоласи ҳукм сурди. Шу хонадоннинг йирик вакили, тарихда «шоҳ-қурувчи» деб ном қолдирган Арслонхон (1102-1130) Минораи Калонни 1127 йилда қурдирди. Афсоналарга кўра, бу иншоотни қуриш мақсадида моҳир меъмор узоқ ўлкадан олиб келган қумни туя сути билан қўшиб, пойдевор қурдирган эмиш.

Археолог олимларимиз маълумотларига қараганда, Вобкентнинг ёши Бухорои шарифдан кам эмас. Мавқеи камроқ бўлсада, кўҳна пойтахтдан 27 км. узоқликда жойлашган бу мавзе салоҳиятини йўқотмай, ўз ўрнини сақлаб келган. Масжид ёнида минора қуриш ниятида бўлган вобкентликларнинг умидини амалга оширишда Бухорода сиёсий ва иқтисодий таъсир доираси кенг бўлган садрлар бош-қош бўлганлар. Садрлар шаҳримизда тахминан V асрда пайдо бўлган. «Садр» сўзи «кўкрак» деган маънони англатади. Мазкур табақа вакилларига тасаввуф тариқатининг йирик намояндаси Абдулхолиқ Ғиждувоний катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараган.

Вобкент минорасига асос солган садр Бурҳониддин Абдулазиз II дин ва ахлоқ, иймон ва эътиқод, маънавият ва маърифатни юксалтирмоқ ва мустаҳкамламоқ умидида ўз сармоясини сарфлаган. Иншоот нозик дид, юксак маҳорат билан барпо этилиб, асрлар ижодий тажрибасини ўзида мужассам этиб, сайқал топган. Унинг мезанаси (юқори қисми) сарвқомат теракка ўхшайди, бетакрор кошинкори нақшлар эса унга ўзгача тароват бағишлайди.

Меъморий ёдгорликнинг баландлиги 40 метрдан ошиқдир, пастки қисми диаметри (кўндаланги) 6 метр бўлиб, мезанасининг диаметри эса 3 метрни ташкил этиб, 12 қиррали призма асосга қўйилган. Обида, айниқса, баҳорги тиниқ осмон кунларида ингичка ва бежирим бўлгани учун нафис тароват касб этади. Байрам кунлари атрофдаги кўпгина қишлоқ аҳли сайлга йиғилиб, бир-бирларини олқишлаганлар. Бу юртдан етишиб чиққан шоир Мужрим Обид, олим Аҳмад Дониш, драматург Мирзо Ҳайит Саҳбо, халқ артисти Саттор Ярашевлар мазкур бежирим мажмуа билан фахрланганлар.

Яқинда топилган янги архив маълумотлари асосида, минора анча олдин, яъни тахмин қилинганидан ярим аср аввал бунёд этилган деган тўхтамга келдик. Бунга Сталин қатағони қурбони, бухоролик археолог-профессор Мусо Саиджонов шахсий ҳужжатлари далолат бермоқда. Тадқиқотчининг минорадаги куфий ёзувларини таҳлил этиш натижасига кўра, курилиш вақтини 1141 йил дейишга асос бор.

Ўлкамиз тарихида энг обрўли ва қимматли манба ҳисобланмиш «Китоби Муллозода» (XV аср) Садр ал Кабир Бурҳониддин Абдулазиз II вафоти 1198 йил деб белгиланган. Демак, илмий фаразга асос мавжуд. Ўйлаймизки, мазкур муаммо яқин орада ҳал бўлиши мумкин.

Мустақиллик шароитида қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда маданиятимизнинг жаҳонаро ёйилиши учун ёшларда юрт, миллат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида аждодларимиздан қолган бебаҳо ва ноёб обидаларни ўрганишимиз, кўз қорачиғимиздек асрашимиз даркор. Албатта, Вобкент минораси ўзининг нуфузи билан бу кенг ижтимоий-маданий вазифани ечишда салмоқли ҳисса қўшади.

**Феруз БАФОЕВ, Бухоро давлат университети. толиби.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР САЙЛИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимиздаги Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида журналистларнинг анъанавий сайли бўлиб ўтди. Унда пайтахт оммавий ахборот воситалари ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этдилар.

Анъанавий сайл тантанасида қатнашган Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э. Эрназаров, республика фонди ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов бу ерда тўпланган қаламкашларни касб байрами билан табриклаб, уларга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. Журналистлардан бир гуруҳи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таниқли санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари сайлга алоҳида завқ-шавқ бағишлади.

**(ЎзА)**




***Имом ал-Бухорийга бағишланган почта маркаларини ОТАЖ «Ўзбекистон маркаси» тайёрлади ва Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.***

***Маркада Имом ал-Бухорийга бағишланган ҳозирги ўзбек миниатюрасининг бир фрагменти тасвирланган. Муомалага марка билан биргаликда рангли хатжилд чиқарилган.***

**С. ҲАСАНОВА.**





Мамлакатимиз аҳолисининг соғлигини тиклаш, саломатлик масканларини малакали кадрлар билан таъминлашда Самарқанд тиббиёт билим юртининг айрича ҳиссаси бор. Ўтган йиллар мобайнида бу ўқув даргоҳини қарийб минг нафар йигит-қиз битириб чиққани фикримизнинг далилидир.

Айни кунларда билим юртида 3 нафар фан доктори, 30 нафардан зиёд фан номзодлари ва 5 нафар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими бўлажак шифокорларга таълим-тарбия бермоқда.

**СУРАТЛАРДА**: ***иқтисод фанлари номзоди Алижон Воҳидов талаба Зебо Хўжақуловага компьютер сирларини ўргатмоқда; машғулот пайти.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



# FrancE 98

## МАЙДОН ТАШҚАРИСИДАГИ ГАПЛАР

### РАҚИБ ТАНЛАМАС ХАЖИ...

Руминия миллий жамоаси сардори Жикэ Хажи катта футбол билан хайрлашиш ниятида эканини маълум қилди. У "Карпат ўлкасининг Марадонаси" деган ном билан жаҳон футболи оламида довруғ қозонган эди.

33 ёшли Ж.Хажи 16 йил давомида яшил майдонда тўп сурди, 115 маротаба миллий жамоа ўйинларида иштирок этди. Ҳозир у хайрлашув ўйинини ташкиллаштириш ташвишида.

### МАРАДОНА: «ТЎЙИБ ЙИҒЛАГИМ КЕЛАЯПТИ»

Футбол юлдузи Диего Марадона Аргентина жамоаси мағлубиятидан сўнг "Тўйиб йиғлагим келаяпти", деди. Маълумки, Аргентина миллий жамоаси Голландия футболчилари билан бўлган учрашувда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб, кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган эди.



Айни пайтда Аргентина матбуотида жамоа мағлубияти сабаблари битилган кўплаб мақола ва шарҳлар эълон қилинмоқда. Кимдир бунда жамоа мураббийсини танқид қилса, яна кимдир ўйинчиларни айбламоқда. Айримлар эса Голландия футболчилари Аргентина жамоасидан кўра чиройли ўйин кўрсатганини эътироф этишмоқда.

### КЛИНСМАН ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШМОҚЧИ

Хорватия миллий жамоасининг Германия футболчилари устидан қозонган ғалабаси бир неча немис футболчисининг футбол билан хайрлашишига сабаб бўлди. Германия матбуотида бу ҳақда кўплаб мақолалар эълон қилинаётир.

Маълумотларга қараганда, Германия мағлубиятидан сўнг жамоанинг етакчи ўйинчилари - 33 ёшли Ю.Клинсманн ҳамда 32 ёшли Ю. Коллер суюкли машғулоти билан хайрлашажагини маълум қилган. Айни пайтда жамоанинг яна бир неча аъзоси ҳам шундай фикрда, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.



### ЧЕМПИОН ПИНГВИН

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги пляжлардан бирида пингвин тутиб олинди. Маълумотларга қараганда, у совуқ ўлкадан бу ерга адашиб келиб қолган. Бразилияликлар ўз миллий жамоасининг бешинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлишига ишонч билдириб, бу денгиз ҳайвонига "беш карралик чемпион" деб ном берди. Суратчилар пингвинни мамлакат миллий байроғи остида бир неча бор суратга олишди ва сўнг уни шаҳар ҳайвонот боғига ҳадя қилишди.

# АВТООЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Германиянинг «Фолксваген» компанияси Босния пойтахти — Сараевода ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни яна йўлга қўйди. Югославияда юз берган нотинчликлар сабаб "Фолксваген"нинг бу ердаги заводлари вақтинча ёпиб қўйилган эди. Маълумки, компания 1972 йилдан буён мазкур мамлакатда фаолият кўрсатиб келади. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқарилган "Голф" русумли енгил автомобил ва "Кадди" русумидаги юк ташувчи машина харидорлар эътиборини қозонган эди.

Бундан буён «Фолксваген»нинг Босниядаги бўлими дастлаб йилига 10 мингта автомобил ишлаб чиқаради. Кейинчалик эса бу кўрсаткични 30 мингтага етказиш режалаштирилмоқда.



x x x

"Ауди" фирмаси ишлаб чиқараётган қимматбаҳо машиналар қаторига яна бир автомобил қўшилди. "Хорьх" русумли бу машина ташқи кўриниши ва ички безаклари жиҳатидан 30-йилларда дунёнинг энг яхши автомобиллари сирасига кирарди. Лекин иккинчи жаҳон урушидан сўнг уни ишлаб чиқариш тўхтатилган эди.

x x x

"БМВ" концерни ишлаб чиқарган автомобиллар бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатлари бозорларини қамраб олмоқда. 1997 йилда концернинг йиллик айланма маблағи 60,13 миллиард маркага етди. Бу режада белгиланганидан 15 фоиз зиёд демакдир.Жорий йилда концерн ўз маҳсулотларини кўпроқ Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига экспорт қилиш ниятида. Чунки, "БМВ" концернига кейинги пайтларда ушбу минтақа мамлакатларидан келаётган буюртмалар сони тобора ошиб бораётир. Шунингдек, Шимолий Америка ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида ҳам "БМВ" тамғаси туширилган ихчам, қулай, шинам ва кучли автомобилларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда.

**(ЎзА)**

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
700084, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел. 357775



Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари:
Телекоммуникация узатиш тизимлари:
Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение:
Менежмент.
Кундузги ва сиртқи бўлимларга аризалар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.
750

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ - ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
1998 йил 11 июль куни соат 10.00 да институтга кирувчилар учун ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ.
ИНСТИТУТИМИЗГА МАРҲАМАТ!
767
Манзилгоҳ: Мовароуннаҳр кўчаси, 20 - уй.



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 8 июлда Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчилик кутилмайди, ҳаво кам булутли бўлади. Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида кечаси 22-27, кундузи 37-42 даража, Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 23-28, чўл зонасида 31 даражагача, кундузи 40-45 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида кечаси 22-27, кундузи 37-42 даража, пойтахт вилоятининг тоғли туманларида кечаси 18-23, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво кам булутли бўлади, кечаси 23-28, кундузи 40-45 даража, Фарғона водийсида кечаси 21-26, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳарорат кечаси 24-26, кундузи 40-42 даражага етади.

Тошкент ўрмон-мелиоратив техникуми маъмурияти ва меҳнат жамоаси Ўзбекистон Давлат ўрмон қўмитаси раиси Абдушукур Хоназаровга ўғли **ШЕРЗОДЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Олмос» акциядорлар жамияти жамоаси 10-сон дўкон мудири Комилжон Умарқуловга падари бузруквори **ТОШКЕНБОЙ** **отанинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР: *Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.15* 1 2 3 4 5 6